



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (12.428)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ИККИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз шу йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик тўйини катта тантана, шоду хуррамлик билан кенг нишонлайди.

Биз учун энг улғу, энг азиз айём бўлмиш Мустақиллик байрамини марказда ва жойларда ҳар томонлама чуқур тайёргарлик билан кўтиб олиш мамлакатимизда эзгу аънамага айланиб қолган.

Ҳақиқатан ҳам, умуммиллий байрамимиз бўлган бу қутлуг сана ҳақида сўз борар экан, ўтган давр мобайнида босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, бугунги ютуқ ва марраларга аввало қандай оғир ва машаққатли меҳнат эвазига эришганимизни яна ва яна бир бор кўз ўнгимиздан ўтказишимиз табиийдир.

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика ва ҳудудий комиссиялар Мустақиллик байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда уюшқоқлик билан, кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шioriни асосий ғоя сифатида ўзида муҷассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мустақиллик — бу аввало ҳуқуқ эканини, фақат мустақиллик орқалигина шахс ўз қадр-қиммати, ор-номуси ва гурурини англаши, истиқлол юртимизда яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омили эканини кенг очиб бериш;

халқимиз ўтган даврда турли синов ва қийинчиликларга қарамасдан, ўзининг мустақам иродаси, қатъияти ва матонати, истиқлол ғояларига садоқатини намоён этиб, жаҳон майдонида муносиб ҳурмат-эътибор қозонганини чуқур таҳлиллар орқали кўрсатиш;

Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли — эътибор моделининг мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танланганини, ўтган йиллар давомида бу йўл юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятимиз ҳаётида синовдан ўтиб, амалда ҳар томонлама ўзини оқлагани ва бугунги кунда амалий натижаларини бераётганини аҳоли ўртасида ўтказилаётган ташвиқот-тарғибот ишлари, жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб қабул қилиш;

мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб белгилаб олинган «Ислохот — ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган, одамларимиз қалбидаги эзгу орзу-интилишларни яққол ифода этган олижаноб даъват халқимизни ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида сафарбар этгани, юртдошларимизнинг юрагига чуқур кириб боргани истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизнинг ҳаёتبаш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мустақилликка эришиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида, мамлакатимиз кескин ижтимоий муаммолар гирдобидида қолиб кетган таҳликали бир пайтда мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар моҳиятини теран акс эттириш. Жумладан, оғир қиём айни ўша шароитда аҳолига қўшимча томорқа ерлари ажратиш ҳақидаги Фармон ва қарорлар қабул қилинган, шу асосда Ўзбекистон бўйича 2,5 миллион оилага ҳаммаси бўлиб 700 минг гектар сугориладиган ер томорқа сифатида хусусий мулк қилиб берилгани қишлоқларимизда ижтимоий муаммоларни ечиш, айтиш мумкинки, жар ёқасида турган юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолишда улкан тарихий қадам бўлганини чуқур очиб бериш. Ана шундай ўзгаришлар туфайли одамлар дунёда адолат ва ҳақиқат борлигига, мустақиллик ҳар қайси оила, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат эканига чин дилдан ишонч ҳосил қилгани ва шу каби бошқа мисолларда мустақиллик деган буюқ тарихий ҳодисанинг қадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритиш;

мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган энг муҳим стратегик дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг галла мустақиллиги, ёқилғи-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларини модернизация қилиш, илгор техника ва технологиялар билан қуроллантириш, энг замонавий корхоналарни барпо этиш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини бугунги талаблар асосида ривожлантириш мақсадида амалга оширилган том маънодаги улкан ишларнинг мазмун-моҳиятини кенг таҳлил қилиш;

истиқлол йилларида бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, дину диёнатимиз, қўхна урф-одат ва аънаналари-мизнинг қайта тиклангани, истиқлол даври Ватанимиз учун чинакам маънавий тикланиш ва юксалиш даври бўлганини ифода этиш;

юртимизда мустақил давлат барпо этиш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт даражасига эришиш, Ўзбекистонимизни дунёдаги тараққий топан демократик давлатлар қаторига кўтаришдек улғу мақсадларни ўз олдимиз-

га қўйиб, бу марраларнинг нақадар буюқ ва масъулиятли эканини ўзимизга чуқур тасаввур қилган ҳолда, ана шундай юксак уфқлар сари дадил бораётганимизнинг энг асосий омили ва мезонларини кенг ёритиш. Бунда, аввало, ўз қадр-қиммати чукүр англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган, бетакорор миллий қадриятларимиз, бебаҳо маданий меросимизнинг муносиб ворислари бўлиш билан бирга, дунё илму фани ютуқларини пухта ўзлаштириб, замон билан ҳамоханг бўлиб яшашга, манаман деган давлатлардаги тенгдошлари билан бемалол беллашувга тайёр бўлган соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш масаласи истиқлол йилларида Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини акс эттириш. Қандай оғир бўлмасин, ана шу буюқ мақсадни амалга ошириш учун барча қуч-қудратимиз ва имкониятларимизни сафарбар этганимиз, шу йўлда аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин бўлган ишларимизнинг амалий натижаларини кўрсатиш. Бугунги кунда бу ютуқлар ҳаётимизда, мамлакатимиз тараққиётида, ўзгаларнинг ҳавасини тартаётган барқарор ўсиш суръатларида яққол намоён бўлаётгани, камол топаётган фарзандларимиз ҳаётимизнинг асосий, ҳал қилувчи қучи сифатида майдонга чиқаётганини таъсирчан мисолларда ифода этиш.

Юқорида зикр этилган фикрларни бундан ўн олти йил аввал қабул қилинган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мақтаб таълимининг ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ва бошқа муҳим ижтимоий дастурлар таҳлили орқали мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигига етказиш;

давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб аҳоли, биринчи навбатда ёшларимизнинг ҳисмонан бақувват, маънавий жиҳатдан етук авлод бўлиб ўлгайишига берилаётган юксак эътиборнинг яққол тасдиғи сифатида мамлакатимизда давлат бюджетли харажатлар қисмининг 60 фоизга яқини таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳалари ривожига йўналтирилаётгани дунё таърибасида камдан-кам учрашини, Ўзбекистон айни шу соҳаларда жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаб бораётгани нуфузли халқаро эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилаётганига алоҳида аҳамият қаратиш;

истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз эътиборининг 50 фоиздан зиёдини ташкил этадиган хотин-қизларга доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, аёл зотини эъзозлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, опасиниларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган қарор ва дастурларнинг амалий натижаларини кўрсатиб бериш. Шулар қаторида оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, айниқса, қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаб, ҳаётда муносиб ўрин олиши учун амалга оширилган кенг қўламли ишларимизнинг моҳияти ва аҳамияти, бу борадаги сиёсатнинг бугунги кунда изчил давом эттирилаётганини тарғибот-ташвиқот ишларининг бош мавзуси сифатида белгилаш;

мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси йилдан-йилга очилиб, тобора обод ва гўзал бўлиб бораётгани, жумладан, аҳолиимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий этилаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уй-жой массивлари комплекси барпо этилаётганини халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий намоёни сифатида қабул қилиш;

эришган барча ютуқларимизнинг ижодкори ва бунёдкори бўлган халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, ишга, ҳаётга муносабати бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз қучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамланиб бораётгани, мухтасар айтганда, мустақил тараққиёт йўлида қандай юксак марраларга эришган бўлсак, уларнинг барчасининг неғизида авваламбор одамларимизнинг ўсиб бораётган сиёсий, ҳуқуқий, маданий савияси ва ижтимоий фаоллиги муҷассам эканини акс эттириш;

ҳозирги кунда бизнинг қандай шиддатли ва нотинч замонада яшаётганимизни инобат олган ҳолда, тинч ва осойишта ҳаёт учун курашиш, керак бўлса, фидойилик кўрсатиб, доимо оғоҳ, сезгир ва маънавий уйғоқ бўлиб яшаш, энг катта бойлигимиз бўлмиш юртимиздаги миллатлар ва фуқароларга аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини кўз қорачиқидек асраш ва мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунини очиб бериш;

айни мана шундай ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилиқ ўчоқлари қучайиб, бир сўз билан айтганда, ҳавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимизнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устувор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир. Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган асосий принциплар, яъни:

Ўзбекистоннинг турли ҳарбий сиёсий блоклардан узоқ бўлиши ҳақида;

ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиши ва ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида;

очик, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида аниқ-равшан баён этганини кенг оммага етказиш;

Ўзбекистон Қуролли Қучларининг мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ва осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи бўлиб келаётганини, ҳарбий хизматнинг ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик, чиниқш ва тобланиш мактабига айланиши, халқ ва армия — бир тану бир жон эканини ҳаётий мисолларда кенг тарғиб этиш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида жонли мулоқот ва суҳбатлар, учрашувлар, адабий-бадийи кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан биргаликда:

Мустақиллик байрамининг йигирма икки йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда ҳудудий комиссиялар тузиш, республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш;

байрам муносабати билан халқимизга хос бўлган урф-одат ва аънаналарга муносиб равишда шаҳар ва қишлоқлар, маҳалла ва гузарлар, кўп қаватли уйлар атрофида ободонлаштириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмийлаштириш ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчилик вакилларини жалб этган ҳолда, одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг қайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган халқчил ва таъсирчан руҳда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирилик ва идора раҳбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилаётган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва таърибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусика асарлари учун «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган «Энг улғу, энг азиз» аънавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси билан биргаликда ёш ижрочилар ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нихол» муқофотида номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказилаётган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджетли ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетли маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2013 йил 12 июнь.

ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам
Каримовнинг таклифига
биноан Қозоғистон

Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбоев

13 июнь куни расмий ташриф
билан Тошкентга келди.

Тошкент аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кутиб олди.

Бу галги олий даражадаги Ўзбекистон — Қозоғистон учрашувига аънавий дўстлик ва ишонч муҳитида давлатлараро ҳамда минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамаси учун қулай имконият сифатида қаралмоқда.

Қозоғистон Ўзбекистоннинг минтақадаги муҳим савдо шеригидир. 2012 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 2,8 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Халқларимизнинг кўп асрлик муштарақ аънавалари, урф-одат ва қадриятларига асосланган маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари ҳам давлат раҳбарларининг диққат марказида туради.

Расмий ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, музокаралар якунида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, шунингдек, Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигини турли соҳаларда янада ривожлантиришга қаратилган ўзаро манфаатли икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ ТАРАҚҚИЁТИ

Сеулдаги анжуманда
юксак эътироф этилди

Яқинда Сеулда «Сиёсий тизим модернизацияси шароитида парламентаризм тараққиёти масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан Жанубий Кореянинг «Ипак йўли» жамғармаси, Ханянг университети ва Осиё-Тинч океани тадқиқот маркази ва Корея халқаро иқтисодий сиёсат институтини билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакилларида иборат мамлакатимиз делегацияси қатнашди. Корея Республикаси томонидан эса Миллий Ассамблея депутатлари, сиёсат ва жамоат арбоблари, илмий-академик ҳамда ишбилармон доиралар вакиллари шунингдек, ОАВ ходимлари ҳозир бўлди.

Илмий-амалий семинарда Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, қучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасининг самарали механизмларини яратиш юзасидан олиб борилаётган ислохотлар хусусида сўз юритилди.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Жанубий Кореялик мутахассисларда катта қизиқш уйғотди. Хусусан, бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутати, «Корея — Ўзбекистон» Парламентлараро дўстлик уюшмаси раиси Ли Жэ О Ўзбекистон Президенти томонидан тақдиф этилган мазкур ҳужжатда Ўзбекистонда демократик ислохотларни амалга ошириш бўйича тараққиётнинг «Ўзбек модели» хусусиятлари акс этгани баробарида илгор халқаро таъриба ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган стратегия аниқ-равшан белгилаб берилганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТАРИЗМИ ТАРАҚҚИЁТИ

Сеулдаги анжуманда юксак эътироф этилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадбир иштирокчилари парламентаризм тараққиёти масалалари билан бир қаторда, «Тожикистон алюминий компанияси» давлат унитар корхонаси («Талко» ДУК) чиқараётган ташланмалар Сурхондарё вилоятининг шимолий ҳудудларини ифлослантираётгани хусусидаги масалани ҳам муҳокама қилдилар. Қайд этилганидек, бугунги кунда атроф-муҳит муҳофазаси халқаро ҳамжамиятнинг яқдил саъй-ҳаракатларини талаб қиладиган умумбашарий муаммолардан бири саналади. Корея Республикаси ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари Тожикистон томони халқаро ҳамжамият даъватини инобатга олган ҳолда, «Талко» ДУК чиқараётган зарарли чиқиндилар туфайли минтақадаги экологик вазиятнинг янада ёмонлашувига йўл қўймаслик юзасидан аниқ чора-тад-

бирлар қўриши ва уларни амалга ошириши лозимлигини таъкидлашди.

Жанубий Корея томони Ўзбекистонда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислохотларни ижобий баҳолаб, илмий-амалий семинарнинг юксак даражада ташкиллаштирилгани ва ўтказилганини эътироф этди. Тадбир якунида парламентлараро алоқалар ва икки мамлакат халқлари ўртасидаги ўзаро англашувнинг чуқурлашишига хизмат қилувчи бу каби учрашувларни мунтазам ўтказиш зарурлиги тўғрисида ҳам яқдил фикр билдирилди.

Ўзбекистон делегациясининг Сеулга ташрифи доирасида Корея Республикасининг қатор вазирлик ва идоралари вакиллари билан музокаралар ўтказилиб, парламентлараро ҳамда идоралараро ҳамкорлики янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Хусусан, **Жанубий Корея**

Миллий Ассамблеяси спикери Канг Чанг Хи билан учрашув чоғида таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Корея Республикаси парламентлари аъзоларининг доимий ўзаро ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали шериклики янада мустаҳкамлашга бўлган муштарак интилишдан далолат беради.

Кёнсан-Пукто провинцияси вице-губернатори Хонг Жонг Кёнг Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари ривожига қўмаклашиш мақсадида мазкур провинция маъмурияти Тошкент вилояти билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликини кучайтиришга қарор қилганини қайд этди. Шунингдек, мулоқотда Самарқанд ва Корея Республикасининг қадимги пойтахти Кёнгджу шаҳри ўртасида биродарлик алоқаларини йўлга қўйиш таклифи ҳам билдирилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси ҳузуридаги Тадқиқот хизмати ўртасида ҳамкорлик бўйича Англашув меморандуми имзоланди.

«Жаҳон» АА.
Сеул

**Мамлакатимизда демократик
ислохотларни янада
чуқурлаштириш жараёнида суд-
ҳуқуқ тизими ва соҳага оид
қонунчиликнинг халқаро
андозаларга мос тарзда
такомиллаштирилаётгани
фуқароларнинг ҳуқуқ ва
манфаатларини таъминлашга
хизмат қилаётир.**

Фармон ва ижро

ШАХС ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди. Фармонда юқори малакали хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш, хорижий тажрибани ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор берилгани соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида «Суд жараёнида сўроқ қилиш тактикаси ва усуллари: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси» мавзусида ташкил этилган халқаро семинарда бу алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Олий ўқув курслари ҳамда Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қўмаклашиш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги масъул ходимлари, олимлар, адвокатлар, хорижий экспертлар иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётир. Прокурор ва адвокатнинг тенглигини, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув бўлишини таъминлашга, одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирлар шулар жумласидандир. Адвокатура институтининг ривожланиётгани фуқароларнинг ҳимоя ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамламоқда.

Сўроқ қилиш суднинг ҳақиқатни аниқлашишга ёрдам беради. Бу гувоҳларнинг, жабрланувчи ва бошқа иштирокчиларнинг ишончли гувоҳлик беришига боғлиқ. Бунинг учун сўроқ қилишда сўроқ қилинувчи категориялари ва иш ҳолатларини инобатга олган ҳолда турли усул ва воситаларни қўллаш лозим. Сўроқ қилишда бир қатор ҳуқуқий, шунингдек, этика талабларига риоя этилиши шарт. Ушбу талабларга риоя қилиш инсон ҳуқуқларининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотлар соҳанинг халқаро андозалар даражасида фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда, — дейди Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қўмаклашиш» лойиҳаси раҳбари Инго Риш. — Суд жараёнида сўроқ қилишда инсон ҳуқуқлари таъминланиши масаласида Ўзбекистон ва Германия тажрибаси қийсий таҳлил этилганида ўзаро уйғунлик, яқинлик мавжудлиги кўзга ташланди. Бу йўналишда ҳамкорлик қилаётганимиздан жуда мамнунмиз.

Семинарда сўроқ қилиш амалиёти ва усуллари, бу борадаги хориж тажрибаси ҳақида маърузалар тингланди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири


«КОММУНАЛ ТАЪМИР — 2013» ДОИМИЙ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ



Зеро, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, ширкатлар уюшмаси ва уларга хизмат кўрсатувчи бошқарув компаниялари ҳамкорлигида ташкил қилинган «Коммунал таъмир — 2013» доимий кўргазма-ярмаркаси иш бошлади. Унда қурилиш материаллари ва ускуналарни ишлаб чиқарувчи 200 дан ортиқ фирма ва компаниялар ўзларининг махсулотларини намойиш қилмоқдалар. Ушбу ярмарка жорий йилнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари авж оладиган ёз-куз мавсуми, яъни июнь-ноябрь ойлари давомида Учтепа туманидаги Санот ҳудудида жойлашган «Dima» доимий фаолият юритувчи халқаро қурилиш ярмаркаси» негизида мунтазам иш олиб боради. Ширкатлар ва бошқарув компаниялари ярмарканинг кўргазма майдончасидан сифатли ва арзон махсулотларни танлаб, пул ўтказиш йўли билан харид қилиш ҳамда кўрсатилган манзилгача етказиб бериш бўйича қўлайлик ва имтиёزلардан фойдаланадилар. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган қурилиш махсулотлари ишлаб чиқарувчилар эса ўз махсулотларини мавсумда ушбу ярмарка савдоларига қўйиб, шу орқали доимий хариддорга эга бўладилар.

— Бу ярмарка ширкатлар фаолияти учун жуда фойдали бўлди. Аввалмбор, ўзимизнинг махсулотларини ишлаб чиқарувчилар билан бевосита мулоқотда бўлиб арзон нархларда, пул ўтказиш йўли билан сотиб олишимизда қўл келади деб ўйлайман, — дейди Чилонзор туманидаги «Дониёл уйи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раҳбари Моҳира Рўзимова. — Бундан ташқари биз кўргазма-ярмаркада иштирок этиш давомида норматив ҳужжатлар билан яқиндан танишдик, бошқарув компанияларига аъзолик шартномаларини туздик. Мен 12 йиллик амалий иш тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтмоқчиманки, олдин битта уй-жой мулкдорлари ширкати 3 тадан 6 тагача кўп қаватли уйга хизмат кўрсатар эди. Битта уй аҳолиси тўловларни ўз вақтида тўлиқ амалга оширар, бошқа тўламаган уйларнинг камчилиги шу бор маблағдан фойдаланган ҳолда қопланар эди. Бошқарув компанияларининг афзаллиқ томони шундаки, ҳар бир уйга алоҳида-алоҳида ширкатни бириктириб, уларнинг ҳар бирига ҳисоб рақами очилади ва унинг маблағи ўзига ишлатилади. Иккинчидан, бошқарув компаниялари ширкат раҳбарларига ишни тўғри режалаштириб, сарф-харажатларни аниқлаб тарифларни белгилаб олишга ёрдам беради. Шунингдек, ширкат раҳбарлари муҳан-

дис, электр пайвандловчи, том ёпувчи, электр соловчи, фаррош каби ишчиларни ахтариб қийналмайдиган бўлди. Илгари ширкат ўзига керакли бўлган ишчиларни штатга олиш учун кўп маблағини сарфлаб қўярди ва ўз вақтида қурилиш-таъмирлаш ишларига керакли махсулотни ололмас эди. Энди ширкат маблағининг атиги 35 фоизини бошқарув компаниясига ўтказиш эвазига ишчилар билан доимо таъминланган. Ҳаттоки туну кунлик навбатчилик ташкил қилинган бўлиб, масалан, қувар ёрилиб кетиб фавқулодда вазият юзга келса навбатчи чақириб уни бошқаларга зиён етказмай туриб дарҳол бартараф қилади. Демак ширкат раҳбарлари аҳоли билан ахилликда ўз вақтида пул тушумларини ўз ҳисобига ўтка-



зиб бориши, одамлар онгиде ўз уйини ўзи асраб авайлаши даркорлигини шакллантириши қийф.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида уй-жой-коммунал соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарасида кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш сифати муттақил ошмоқда, ХУЖМШ ва малакали бошқарув компаниялари ҳамкорлиги ривожланипти. Ушбу кенг қўламли ишлар Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 12 апрелда қабул қилинган ва коммунал соҳани янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётган «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда.

Пойтахтимиз коммунал тизими ва хусусий уй-жой фондида режалаштирилган қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш, керакли қурилиш махсулотларини ишлаб чиқарувчилар ва ускуналарни харид қилишни осонлаштириш ва тартибга со-

лиш мақсадида ташкил этилган ушбу кўргазма-ярмарка «дўйра»сида 21 июнга қадар туманлар кесимида пойтахтдаги ширкат ва бошқарув компаниялари раҳбарлари учун семинар ўтказилмоқда.

Бугун Тошкент шаҳрида уч мингдан ортиқ ХУЖМШ ва қарийб юздан зиёд малакали бошқарув компанияси фаолият кўрсатмоқда. Бу борада амалга оширилган ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, уй-жой фонди ва коммунал соҳани қиш мавсумига тайёрлашда қурилиш материаллари ҳамда ускуналарига бўлган талаб анча ошади ва шу муносабат билан баъзида уларни кам миқдорда харид қилишда қийинчиликлар юзга келмоқда. Ярмаркага ташриф буюраётганлар зарур товарларни сотиб олиш билан бир-

га коммунал соҳага оид долзарб масалаларни ҳам муҳокама қилиш мумкин. Тадбир доирасида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва малакали бошқарув компаниялари фаолиятини самарали ташкил этиш имконини берадиган янги меъёрий ҳужжатлар ҳамда дастурий махсулотларнинг тақдими бўлиб ўтади.

Бир сўз билан айтганда, ширкатлар ва бошқарув компаниялари кўргазма-ярмарка майдончасидан сифатли ва арзон махсулотларни танлаб, пул ўтказиш йўли билан харид қилиш ҳамда кўрсатилган манзилгача етказиб бериш бўйича қўлайлик ва имтиёزلарни қўлга киритсалар, пойтахтда қурилиш махсулотлари ишлаб чиқараётганлар ёз-куз мавсумида ушбу ярмарка орқали доимий хариддорларга эга бўладилар. Пировад натижа эса халқимизнинг қиш мавсумини бетафавор ўтказишига, ўз уйда тинч ва фаровон ҳаёт кечиришига хизмат қилади.

Шахнозахон ҚУДРАТХҲАЕВА



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Навоий шахридаги Ёшлар марказида «Инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий асослари: муаммо ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг талаба ва ўқитувчилари, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари иштирок этди.

• Андижон шахридаги «Ишчилар» маҳалласида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Хопобод-Seul» Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси иш бошлади. Пойабзал ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхонада замонавий технологиялар жорий этилди. Бунинг самарасида 30 хилдан зиёд хотин-қизлар пойабзали ишлаб чиқарилмоқда, 12 та янги иш ўринлари яратилди.

• Сирдарё вилоятида коллеж ва лицейларга қабул қилинган ҳар бир ўқувчига теракзор барпо этиши учун ер майдони ажратилди. Сирдарё вилояти ҳокимлиги, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ташаббуси билан жорий қилинган мазкур хайрли ишдан кўзланган мақсад ёшларда таълим олиш, касб-хунар эгаллаш билан бирга ишбилармонлик, яратувчанлик, бунёдкорлик фазилатларини шакллантириш, ўқувчиларнинг бўш вақтини тўғри ва самарали ташкил этишдан иборат. Мазкур ташаббусга кўра жорий йилдан бошлаб коллеж ва лицейларга қабул қилинган ҳар бир ўқувчи камида 500 туп теракзор қўлати ўтказиб, уч йил давомида парваришлайди.

• Муллаўйчи Тошмуҳаммедов номли Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида фуқаролар йиғинларининг «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда мазкур танловнинг шаҳар ва туман босқичларида голиб бўлган 14 нафар маслаҳатчи иштирок этди.

• «Аэропорт» халқаро уюшмаси томонидан 2012 йил якунилари бўйича МДХ мамлакатлари аэропортлари ўртасида ўтказилган танловда «Бухоро» халқаро аэропорти «Йилнинг энг яхши аэропорти» деб топилди ва бош соврин — зарҳал кубок ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

ЖАҲОНДА

• Нокулай об-ҳаво шароитлари туфайли Чикагодаги О'Хара ва Мидуэй аэропортларида беш юздан ортиқ рейслар бекор қилинди. Об-ҳаво ҳам шаҳарга келувчи, ҳам шу ердан парвоз қилувчи рейсларга таъсир кўрсатди. Шунингдек, кучли бўрон натижасида Чикаго ва унинг атрофидаги ўттиз мингдан ортиқ уйлар электр қувватсиз қолди.

• Литваннинг Каунас-Кибартай темирйўл участкасида қоидабазарни қувиб бораётган полиция машинасининг поезд билан тўқнашуви рўй берди. Поезднинг машинанинг орқа қисмига урилиши натижасида салондаги икки киши: полициячи ва амалиёт ўтаётган талаба жабрланди ва улар касалхонага ётқизилди.

• Жанубий Кореянинг Энергетика тадқиқотлари институти олимлари томонидан яратилган ва яқинда тақдироти ўтказилган янги автомобиль тури ўзига хос ёнилғи ҳисобига ҳаракатланиши билан ажралиб туради. Унга қўйиладиган ёнилғи таркибининг 30 фоизи бензин бўлгани ҳолда, 70 фоизи аммиакдир. Шунинг ҳисобига ушбу автомобиллар атроф-муҳитга захарли газларни 70 фоиз кам чиқаради.

• Шимолий Америкадаги Луизиана университети биологлари 2008 йилдан буён Гиннесснинг Рекордлар китобидан ўрин олган, «Денгиз илони» деб номланган улкан сельд балигини 463 метр чуқурликда табиий яшаш муҳитида илк бор видеотасвирга туширишга муваффақ бўлдилар.

